
Қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этиш юзасидан кўргазмали семинар ташкил этилди

Данғара тумани прокуратураси ташаббуси билан қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш масалаларига бағишланган кўргазмали семинар ташкил этилди.

Семинарда туман сектор раҳбарлари, туман электр тармоқлари корхонаси масъуллари, тижорат банклари раҳбарлари, тадбиркорлар ва бошқа мутасаддилар иштирок этди.

Семинарда қуёш панели тушунчалари, қуёш панеллари учун ажратиладиган кредитлар ҳамда уларнинг расмийлаштирилиши бўйича масъул мутасаддиларнинг маърузалари тингланди.

Кўргазмали семинарда энергия тежамкор воситалар ва қуёш панеллари етказиб берувчи корхоналар ўз маҳсулотлари билан иштирок этиб, барча қайта тикланувчи энергия манбалари ва уларнинг асбоб-ускуналари, хом ашё, бутловчи ва эҳтиёт қисмлари бўйича аниқ маълумотлар бериб ўтилди.

2024-08-15 17:33:32